

АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИДА ХУНАРМАНДЧИЛИКНИНГ МЕТАЛЛСОЗЛИК ТАРМОҚЛАРИ ТАРАҚҚИЁТИ

З.Ю. Эсонов

ҚДПИ Тарих кафедраси катта ўқитувчи, PhD

ҚДПИ Тарих факултети IV-босқич талабаси

М. Ю. Абдуллаев

Аннотация. *Мазкур мақолада Амир Темур давлатида хунармандчиликнинг металлсозлик тармоқлари тараққиёти тарихи муаммолари ёритилган. Асосий эътибор мазкур даврда юртимизда металлсозликнинг тараққиёти темирчилик, қуролсозлик, мисгарлик ва заргарлик тармоқлари мисолида ривожланиб борганлигини кўрсатиб беришга қаратилган. Билдирилган фикрлар тарихий манбалардаги маълумотлар асосида илмий таҳлилга тортилган.*

Калит сўзлар: *Амир Темур, Самарқанд, Кеш, хунармандчилик, давлат устахоналари, темирчилик, қуролсозлик, мисгарлик, заргарлик.*

Мустақиллик йилларида ватанимиз тарихининг энг муҳим мавзуларидан бири Амир Темур ва темурийлар давлати тарихи масаласини илмий жиҳатдан барча тафсилотлари билан холис, тарихий ҳақиқат мезонлари асосида ўрганиш имконияти юзага келди. Зеро, Амир Темур номини қайта тикланиши, тарихини ўрганилиши, ўзбек халқини миллий ўзлигини англаш, жаҳон сахнасида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлишида муҳим ўрин эгаллайди.

Маълумки, Амир Темур ўзбек давлатчилиги тарихида йирик давлат арбоби, моҳир ҳарбий саркарда ва ўз даврининг салоҳиятли хукмдори, илм-фан ҳомийси сифатида ном қолдирди. Соҳирқирон тарихда нафақат ўз даврининг тенгсиз саркардаси, давлатчилик асосларини яратган ташкилотчи арбоб, балки мамлакат иқтисодиёти, солиқлар тизими, пул ислоҳати билан боғлиқ иқтисодий асосларни ривожлантирган давлат бошлиғи, шунингдек деҳқончилик, чорвачилик, савдо-сотик ва хунармандчилик каби хўжалик тармоқларини юксалтириш борасида кўп сайи-ҳаракат қилган бунёдкор етакчи сифатида ҳам жаҳонда довуғ қозонди.

Дарҳақиқат Амир Темур давлатида бошқа соҳалар қаторида хунармандчилик тармоғини ривожланиб борганлигини акс эттирган кўплаб тарихий манбалар, улардаги ноёб тарихий маълумотлар мавжуд. Бир қатор тадқиқотларда Амир Темур давлати ва темурийлар давридаги хунармандчилик тармоқлари тараққиёти масалалари таҳлил қилинган. Бироқ, бу масаланинг айрим жиҳатлари, яъни қайси омиллар таъсирида бу даврда хунармандчилик соҳалари ривожланиб борганлиги, қайси хунар турлари нисбатан кўп тараққий этганлиги ёки бу даврнинг хунармандчилиги юксак даражада ривожланганлигини тасдиқловчи қимматли маълумотларни янада изчилроқ тадқиқ этиш ўйлаймизки, бу мавзуни бунданда чуқурроқ ёритилишига, кенгроқ даражада таҳлил этилишида муҳим ўрин тутди деб ҳисоблаймиз.

Амир Темур давлатида йирик шаҳарлар Самарқанд, Кеш, Бухоро, Тошкент, Ахсикент қатор ҳунармандчилик тармоқлари ривожланган иқтисодий марказлар тарзида танилди. Ушбу марказларда ички ва ташқи савдо учун тайёрланган юксак сифатли ҳунармандчилик маҳсулотлари бу фикримизни тасдиқлайди. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, бу даврда Мавороуннаҳр ва Хуросондаги айрим йирик қишлоқларда ҳам хилма-хил ҳунар турлари ривожланган эди.

Пойтахт Самарқандда ҳунармандчиликни темирчилик, қуролсозлик, мисгарлик, заргарлик тармоқлари ривожланган. Бу даврда металлдан ҳарбий қурол-аслаҳа, жангчилар учун совутлар, турли уловлар учун металл жиҳозлар, шунингдек уй-рўзғор ва хўжалик иш қуролларини юксак сифат билан тайёрлангани маълум. Амир Темур уюштирган ҳарбий юришлар ва салтанат сиёсий қудрати ўз даврининг энг сифатли қурол-аслаҳаларига эга бўлишни тақозо этарди. Шу сабабдан Амир Темур давлатида, чунончи пойтахт Самарқандда махсус “давлат устахоналарида” темирчилик яъни, шамшир, қилич, ҳанжар, ойболта, дубулға, совут тайёрлаш жуда тараққий этган. Улар фаолиятини давлат амирлари, ҳатто шахсан Соҳибқиронни ўзи назорат қилган.

Шу даврда Самарқандда темирчилик ривожланганини ўлкамизга келган испан элчиси Руи Гонзалес де Клавихо маълумотлари ҳам тасдиқлайди. Бу ҳақида у шундай ёзади: “бу саройда (Самарқанд қалъасидаги махсус устахона-корхона Э.З.) совут, дубулға, ўқ-ёй тайёрловчи ва йил бўйи унга (Амир Темурга) ишловчи минг нафар усталар сақлаган”. Етти йиллик юриши (1399-1404 йилар) дан қайтиб келганидан сўнг Амир Темур “у шаҳардан кетганидан бошлаб уста-қуролсозлар тайёрлаган барча қурол-аслаҳаларни унинг ҳузуридан олиб ўтишни буюрди. Бу қурол-аслаҳалар орасида юксак маҳорат билан тайёрланган ва қизил мовут билан безатилган уч минг жуфт совутни олиб ўтишди. Кейин ҳукмдор ҳузуридан кўплаб дубулғаларни ҳам олиб ўтишди. Амир Темур ўша кунгача бу дубулғалар ва совутларни кўшинда тақсимлади ҳамда отликлар ва бошқаларга тарқатиб берди. Дубулғалар думалоқ ва баланд, пешонадан ияккача икки энли темур қисм тушган, уни кўтариб қўйиш ҳам мумкин эди. У юзни шамширнинг кўндаланг зарбасидан сақлаш учун қилинган, совутлар эса худди бизникидек (испанча демоқчи), фақат пастки қисми бошқача матодан ишланган ва совут остидан кўйлак кўриниб туради” [1:140-141]. Демак бундан маълум бўладики, ҳарбий таъминотни юксалтириш эҳтиёжлари ўлароқ Амир Темур давлатида темирчилик, унинг алоҳида соҳаси қуролсозлик, ҳаттоки ички меҳнат тақсимоли натижасида алоҳида турдаги қуролларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ қуролсозлик тармоқлари ривож топган. Бунда давлат буюртмаси, соҳага ҳомийлиги муҳим ўрин тутган. Темирчи ҳунармандлар шарқдаги энг моҳир усталар даражасига етишганлар.

Шу ўринда таҳлиллар шуни кўрсатадики, қуролсозликдаги бундай тараққиётга маҳаллий анъаналар ва бошқа юрт усталаридан ўзлаштрилган баъзи янгиликлар ҳам туртки бўлган. Чунончи, Амир Темур даври тарихчиси Ибн Арабшоҳ маълумотида кўра, Амир Темур Шом (Сурия) юрти яъни, Дамашқдан бошқа ҳунармандлар қаторида ўз даврининг моҳир пўлат қилич ясовчиларни ҳам Самарқандга кўчириб келтирган. Натижада ўлкамизда юқори сифатли қилич, ҳанжарлар тайёрлаш иши мазмунан янада бойиган. Умуман олганда сайёҳни таъкидлашча, бу даврда Самарқандга четдан

келтирилган усталарнинг умумий сони бир юз эллик минг кишидан ортиқ эди [2:246-247; 83].

Тарихчилар таъкидлайдики, маъдан конлари яқинлиги бу даврда Мовароуннахр шимолий-шарқдаги Тошкент шаҳрида ҳам темирчилик, қуролсозлик, алоҳида тормоқ камонгарлик тараққий этган. Бу ерда бу соҳада моҳир ҳунарманд усталар кўп бўлиб улар тайёрлаган металл маҳсулотлар қўшни ўлкаларга ҳам олиб кетилар эди. Тошкент бошқа ҳудудларга “шоший” (“чочий”) деб номланувчи ўзининг мустаҳкам ва енгил камонлари билан ҳам танилган эди [3:127]. Тадқиқотчилар қуролсозликнинг теурийларнинг айрим вилоятлари хусусан, Фарғона водийсида ҳам тараққий этганлигини кўрсатиб ўтадилар. Бунда шубҳасиз Андижон ва Аҳси шаҳарлари муҳим ўринда турган. Чунончи, бу минтақада пичоқлар тайёрлаш ривож топган эди [4:233]. Минтақада қазиб олинган кумуш металл нафақат қуролсозлик, уй-рўзғор буюмлари тайёрлаш, балки танга пуллар зарб этишда ҳам салтанатда муҳим рол ўйнаган [5:148].

Амир Темур давлатида олтин, кумуш ва мис каби металллардан ҳам турли буюмлар яшаш билан боғлиқ ҳунармандчилик тармоқлари ривожланганлигини мавжуд маълумотлар тасдиқлайди. Хусусан, буни тарихий манбалардаги давлат марказий бошқарувига тегишли бинолардаги идиш-товоқлар, турли металл жиҳозлар, заргарлик буюмари, зодагон тоифа аҳолиси турмушига оид маълумотлар ўзида акс эттирган. 1969 йил Самарқанд Регистон майдони шарқий қисмида археологик қазилмаларда бир қатор мигарлик, бронза буюмлар тайёрловчи устахона ашёвий топилмалари бу фикримизга далил бўлади. Устахона кўраси устида ишлови охирига етмаган 36 та, кўра ичида эса 60 та жами 96 та мис буюмлар топилган бўлиб, улар теурийлар даври яъни, XIV – XV аср бошларига оид. Тадқиқотчи Ю.Ф. Буряковни фикрига кўра, бу даврда Самарқандда ривожланган мисгарлик ҳунармандчилиги бўлиб, бу тармоқ ривожда маҳаллий ва четдан келган ҳунармандларни ҳам маълум маънода хиссаси бўлган [6:35-86].

Амир Темур даври тарихи бўйича энг таниқли мозийшунослардан бири Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарида таъкидланишича, 1404 йил Амир Темур салтанатидаги энг йирик ижтимоий тадбирлардан бири Конигулдаги тўй муносабати билан ҳунармандлар кўриги тадбирлари бўлиб ўтган. Бунда бошқа ҳунармандлар қаторида узук, сирға, билакузукларни қимматбаҳо металл ва тошлар асосида тайёрлаб қатнашувчиларни лол қолдирган заргарлар тўғрисида муҳим маълумотлар берилган. Ушбу тантаналарда қатнашган испан элчиси Клавихо ажойиб бир заргарлик санъати мўжизаси ҳақида завқ-шавқ билан маълумот берган. Уни ёзишича, Конигулдаги тўй муносабати билан безатилган расмий давлат чодирларидан бирида “Тилла шохли дарахт”ни томоша қилишга мувофақ бўлган. “Эман дарахти танаси одам оёғи йўғонлигида, кўплаб шохлари ҳар томонга тарқалган, япроқлари эманникидек, баландлиги одам бўйи баробар эди. У ёнидаги лаган узра кўтарилиб турарди. Мевалари ёқут, зумрад, феруза, қизил ва зангори ёқут, хайратомуз даражада йирик, сара, ёрқин ва думалоқ дурлардан иборат эди. Бу (жавоҳирлар) дарахтни ҳар хил жойда безаб турар, бундан ташқари (у ерда) кўплаб кичик, ранг-баранг ва сиркор олтин қушчалар жойлашган, айримлари қанотини ёзгандек қиёфада, бошқалари қулиб

тушгудек бўлиб ўтирар, яна бир хиллари мева чўқиётгандектумшукларида ёқут, феруза ва бошқа жавохирлару дурларни тутган эди” [7:131].

Хулоса қилиб айтганда, Амир Темур давлатида хўжалик бошқа соҳалари каби ҳунармандчилик тармоғи ҳам тараққий этган. Бунда ҳарбий юришлар даври эҳтижёлари, аҳоли турмуш-тарзи тарақиёти, ички ва ташқи савдо ривожини муҳим омил бўлган. Айниқса, ҳунармандчиликнинг металл буюмлар, қуруллар тайёрлаш тармоқлари юксалиб борган. Бу ривожланишни тарихий манбалардаги маълумотлар тасдиқлайди. Амир Темур давридаги ҳунармандчиликнинг бундай юқори одимлари юртимизда тармоқнинг кейинги ривожланиш учун ҳам мустаҳкам пойдевор вазифасини бажарган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Руи Гонзалес де Клавихо. Самарқандаги Амир Темур саройига саёҳат кундалиги. (1403-1406 йй). Эски испан тилидан таржима, кириш ва изоҳлар И.С. Мироковники. – М.: 1990.
2. Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. // Олтин Ўрда тарихига оид материаллар. В. Тизенгаузен. 1-Жилд. – СПб, 1884. 1-2-китоб.
3. Амир Темур ва Улуғбек даври тарихи. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1996.
4. Усмонов Б. Фарғона водийси Амир Темур ва темурийлар даврида. – Фарғона: “Фарғона”, 2019.
5. Халмуминов У.Р. Амир Темур ва темурийлар даври тоғ-кончилиги ва металл ҳунармандчилиги.// Амир Темур дарида Мовароуннаҳр: археология, тарих, маданият/ Э.В. Ртвеладзе, А.М. Атаходжаев, М.И. Филанович таҳрири остида. – Т.: Адабиёт учкунлари, 2018.
6. Буряков Ю.Ф. XIV – XV аср бошларига оид Самарқанднинг бронза бадий буюмлари жамланмаси.// Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1966, № 8-9.
7. Руи Гонзалес де Клавихо. Самарқандаги Амир Темур саройига саёҳат кундалиги. (1403-1406 йй). Эски испан тилидан таржима, кириш ва изоҳлар И.С. Мироковники. – М.: 1990.